

ИСЛОМ САНЪАТИ ФАЛСАФАСИ

Гулчехрахон Н.Эшанова
Доцент, фалсафа фанлари номзоди
Ижтимоий фанлар кафедраси
Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети Ўзбекистон
тел: (903219375)
Eshanova2021@gmail.com

Аннотация: *Ислом фалсафасида Аллоҳни тасвирлаш мумкин эмаслиги жоиз, аммо Аллоҳнинг мавжудлик фалсафаси санъат орқали англаш мумкин. Ислом санъатининг турлари сифатида бадиий адабиёт, меъморчилик, муסיқа, тасвирий санъат турлари ҳақида фикр юритилган. Қуръон оятларининг бадиий тасвирини - Аллоҳнинг сўзларини энг гўзал шаклда ифодалаш санъати бу хаттотликдир.*

Исломда Масжидларнинг меъморчилигида нақиллардаги гуллар жаннат тимсоли сифатида тасвирланган. Ислом санъатида ранглар ҳам ҳар бир ранг чуқур фалсафий ва диний маъно-мазмунларга эга. Ранглар нафақат гўзаллик, балки руҳий-маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, улар орқали санъат асарлари нафис тасвирий санъат, нақш, ёзув санъати, китоб санъати, деворий расмлар санъати, меъморчилик санъати дин билан уйғунлашган.

Калит сўзлар: *Ислом, Аллоҳ, санъат, шахс, маънавият, маданият, ахлоқ, қадрият, тасвирий санъат, бадиий адабиёт, ранглар, мажоз, дин ва санъат уйғунлиги.*

I. КИРИШ

Ислом санъатида Тимсоллар орқали кўринмас борлиқни ифодалаш масаласи, Аллоҳни тасвирлаш мумкин эмаслиги, Унинг мавжудлигини санъат орқали англаш мумкинлиги чуқур фалсафий ва диний маъноларга эга.

Ислом санъатида ранглар нафақат эстетик, балки руҳий-маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, улар орқали санъат асарлари мушоҳада орқали кўзга кўринмайдиган борлиқ ҳақида ҳикоя қилади. Ўзбек халқининг тарихида ажодлар меросидан ижодий фойдаланиш, уни бойитиш ҳамда халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади;

Ўзбекистонда ислом маданияти ҳамда исломшунослик фанида эришилган ютуқларга асосланиб, ислом маданиятида тасвирий санъатнинг жамият ривожига ва шахс маънавиятига таъсирини фалсафий таҳлил қилиш ҳам долзарбдир;

Ижодий ворисийлик қонуниятлари асосида мерос бўлиб ўтиб келаётган юксак маънавиятни асраб-авайлаш, ислом динининг маънавий ахлоқий ва маърифатпарварлик ғояларидан, бу қадриятлардан ёш авлод тарбиясида самарали фойдаланиш долзарбдир;

Маънавий маданиятнинг энг қадимги пойдевори мифологик дунёқараш бўлиб, у кейинги даврлар маънавиятининг илдизи саналади. Марказий Осиё цивилизациясига хос диний қадриятлар асосида халқимиз дунёқараши ва маънавиятининг шаклланиши қадриятлар тизимидаги инкор ва ворислик диалектикасининг илмий асосланишини тақозо этмоқда.

Дин билан санъат уйғунлиги, дин ва санъатнинг инсон маънавиятини

шакллантиришдаги, тарбиялашдаги ўзаро ижтимоий яқинлашув жараёни тушунилади. Айни пайтда диннинг жамиятга, алоҳида шахс ҳаётига таъсири жуда кучлидир. Санъат асари, бу инсон меҳнати, ақл-идроқи, бадиий тафаккури билан яратилган ижод намуналари бўлиб, санъатда бадиий қадриятлар яратилади. Санъатнинг турлари сифатида бадиий адабиёт, меъморчилик, муסיқа, тасвирий санъат бу энг қадимги турларидан биридир. Тасвирий санъатда борлиқ, воқеликлар текис юзада чизиқлар, ранглар ва турли шакллар орқали тасвирланади.

Тасвирий санъатнинг у ёки бу турининг тараққиёти ёки таназзули жамият мафкуравий ҳаётига боғлиқ. Санъат ўз даврида мафкура санъат ривожига таъсир қилиб, баъзи даврларда ижодкор истеъдодига самарали таъсир кўрсатса, баъзан мустабид руҳдаги қарашлар ижодкор фаолиятини чеклаб қўйган.

Жаҳон динлари - буддавийлик, христианлик, ислом ҳам санъат билан уйғунлашган. Ҳар бир диндаги диний илоҳий қадриятлар санъатда ҳам тимсол сифатида яратилади. Ислом қадриятлари ҳам санъатда хиссий образли рамз, тимсол тарзида ўз аксини топади.

Бақара сураси. 255. “Аллоҳ-ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У) ҳамиша барҳаёт ва абадий Турувчидир.”¹

Ислом санъати фақатгина гўзалликни эстетик хис масаласигина эмас, балки чуқур фалсафий ғояларни ифода этувчи илоҳий маърифат манбаидир.

Қуръони Каримнинг “Алақ” сурасининг илк ояти нозил бўлади.

АЛАҚ СУРАСИ.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).

1. (Ей, Муҳаммад, бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз номи билан ўқинг!

2. У инсонни лахта қондан яратди.

3. Ўқинг! Раббингиз эса қарамли зотдир.

4. У инсонга қалам билан (ёзишни) ўргатган зотдир.

5. У инсонга билмаган нарсаларини ўргатди.²

Шунга кўра исломнинг моҳиятини илм маърифат ташкил этади. Инсон ўқиб ўрганишга, илм олишга даъват қилади.

“Олимларнинг мажлисида ҳозир бўлиш минг ракат номоздан, мингта касални бориб кўришдан, мингта жанозада иштирок этишдан афзалдир” дедилар.³

“Илм устида тафаккур қилиш кундузи рўза тутганга, уни музокара этиш кечани ибодат билан бедор ўтказганга тенгдир. Аллоҳга тоат-ибодат, тавҳидни англаш, Аллоҳни улуғлаш ва тақво қилиш илм билан бўлади.”⁴

¹ Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. “Тошкент ислом университети”, 2007, 50 б.

² Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. “Тошкент ислом университети”, 2007, - Б. 457. www.ziyouz.com

³ Қаранг: Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш) Илм китоби Биринчи китоб. Тошкент, Мовароуннахр, 2003. 27 б.

⁴ Қаранг: Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш) Илм китоби Биринчи китоб. Тошкент, Мовароуннахр, 2003. 33 б.

Тавҳиднинг маъноси ислом дини геометрик нақшларда Аллоҳнинг чексизлиги ва ягоналигини ифодалайди.

Тавҳиднинг моҳиятида ислом санъатида чексизлик такрорланувчи нақшлар ягона марказ (Аллоҳ) атрофида бирлашганини кўрсатади, бу исломнинг тавҳид ақидасининг визуал ифодасидир.

Исломда Аллоҳни тасвирлаш мумкин эмаслиги, лекин Аллоҳнинг мавжудлигини санъат орқали англаш мумкин.

Аллоҳнинг моҳияти 99 та исмида яширинган бўлиб, уни тасвирлаб бўлмайди. Аллоҳнинг тимсоллар орқали кўринмас борлиқни ифодалаш – Аллоҳни тасвирлаш мумкин эмаслиги, лекин Унинг мавжудлигини санъат орқали англаш мумкинлигидир.

Ислом санъатида хатотлик бу Аллоҳнинг муқаддас сўзларини Қуръон оятларининг бадий тасвирини - Аллоҳнинг сўзларини энг гўзал шаклда ифодалаш санъатидир.

Хатотликда ҳарфлар ва чизиқларнинг ўзаро мутаносиблиги гўзал, моҳирона ишлатилиши орқали эстетик ва руҳий уйғунлик яратилади.

Хатотликда сўзлар орқали зикр ҳамда чуқур тафаккурга чорлайди. Ижодкорлар муқаддас сўзларни ёзиш ва ўқиш жараёни ибодат даражасига кўтарилади.

Шунингдек, исломда Масжидларнинг меъморчилиги рамзий шаклда ифодаланиб, нақшлар жаннат тимсоли сифатида лойиҳалаштирилган, гумбазлар осмон Аллоҳнинг чексизлиги рамзи кабилар.

Шунингдек, ислом динида, жаннат (араб. - боғ, бўстон, учмоқ; форс. - беҳишт; дор ус-салом, дор ул-бақо, дор ул-охир, дор ул-муқома, дор ул-муттақин, боғи эрам, фирдавс, иллийон ва б. номлари бор) — тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти даврида имонли ҳолида эзгу ишлар билан шуғулланган кишиларга Аллоҳ томонидан Жаннатдан жой берилади. Жаннатдаги ҳаёт абадий, безаволдир. Жаннатдагиларни Аллоҳ турли неъматлар билан таъминлайди. У ерда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсаси муҳайё этилади, ҳатто жуфтлари ҳам бирга бўлади. Қуръонда Жаннат дарахтзор остидага ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, Жаннатда ҳавзи Кавсар мавжуд бўлиб, унинг суви оқ ва совуқлиги ҳамда хислатлари таърифланади. Ҳавзи Кавсардан Жаннат аҳли сув ичади.⁵

Юқорида айтиб ўтилганидек, жаннат тимсоли рамзи сиқатида гуллар симметрик нақшларда ифодаланади.

Масжид тузилишидаги мутаносиблик, симметрия ва геометрик аниқлик илоҳий тартиб ва мукамалликни акс эттиради.

Масжидлар тузилиши билан жамоани бирлаштиришга хизмат қилади, ибодат, таълим ва ижтимоий фаолият учун яхлит макон яратади.

⁵ Қаранг: Ислом энциклопедия, Зухриддин Хуснидинов таҳрири остида. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, -Тошкент: 2004, -Б.79.

Ислом санъати ва меъморчилигида илоҳий мутаносибликни ифодалайди ва кўплаб нақшлар ҳам жаннат тимсоли сифатида бинолар қурилишида асос бўлиб хизмат қилган.

Осмон, сув ва жаннат боғларининг фалсафий рамзи сифатида тасвирланади.

Исломнинг муқаддас ранги, жаннат ва тириклик белгиси бу яшил рангдир.

Ислом санъатида ранглар ҳар бир ранг чуқур фалсафий ва диний маъноларга эга. Ранглар гўзаллик, руҳий-маънавий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, улар орқали санъат асарлари кўзга кўринмайдиган борлиқ ҳақида ҳикоя қилади. Ранглар мазмуни орқали Қуръон оятларидаги маъноларни ва ислом таълимотини санъат турлари орқали етказиш мумкин.

Тириклик рамзи бўлган сув ва мевали дарахтлар, боғлар жаннатдаги мўл-кўлчилик ва фаровонлик рамзи сифатида экилган. Бу маънода жаннат мевалари бўлган хурмо, анор каби дарахтлар ҳам ўзига хос маънога, аҳамиятга эга бўлган.

Шунингдек, ислом боғларида гуллар ва хушбўй ўсимликлар нафақат гўзаллик учун, балки хушбўй хидлар орқали жаннат ҳақидаги таасуротлар кучайтирилган.

Расуллулоҳ (саллоллоҳу алайҳи вассаллам): “Агар жаннат боғчаларининг олдидан ўтсангиз, ундан баҳра олиб кетинглар”, дедилар. “жаннат боғчалари нима?” деб сўрашди. “Зикр мажлислари”, деб жавоб бердилар”.⁶ Шу маънода зикр нима десалар Имом Ғаззолий тушунтиради,

“Ким жаннат боғларининг неъматларига сазовор бўлишни истаса, Оллоҳни кўп ЗИКР этсин”.⁷

Миниатюра санъатида Аллоҳ рамзи “Нур” тимсолида берилади. Ислом санъати фалсафаси ҳақида шундай дейилади: Жаннатнинг сояси йўқ. Жаннат Аллоҳ нури билан мунаввар. Аллоҳ ҳуснини фақат жаннатдагина кўриш мумкин. Соя бу – зоҳирий нарсаларга хос, ботиний туйғуларга дахлдор эмас. “Миниатюрада сояни кўрсатиш, абадият нурига кўланка ташлашдай, жаннатмакон жойлар ҳуснига доғ тушириш тарзида идрок этилган. Ҳақ таоло соясиз, соя солмайди, оламга соябон бўлади. Бундан ташқари, миниатюраларда кишиларнинг орқа ўгириб ўтирган ҳолатлари тасвирланмайди”⁸. Уларнинг диний–фалсафий ғоялари мазмуни асосини ахлоқ ташкил қилади. Унга кўра, бировга орқа ўгириб ўтириш такаббурлик, тарбия кўрмаганликдир. Қуръонда айтилганидек, Аллоҳ Таоло шайтонни кибри учун жаннатдан қувган эди.

Инсон чеҳрасида Аллоҳ Таоло нури акс этар экан, унга тесқари ўтириш Ҳаққа юз ўгириш, яъни гуноҳ саналади. Шунинг учун ҳам ўзимизга хос шарқона ахлоқимизга кўра, ёши улуғ кишиларнинг олдидан орқа ўгириб эмас, тисарилиб чиқиб кетиш одат тусини олган, деб ёзади Тилаб Маҳмудов. Худди шу анъана миниатюра санъатида ҳам акс этган.

⁶ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларини жонлантириш) Биринчи китоб. Тошкент, “Мовароуннаҳр”. 2003. - Б. - 86.

⁷ Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларини жонлантириш) Биринчи китоб. Тошкент, “Мовароуннаҳр”. 2003. - Б. - 21.

⁸ Қаранг: Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси хузуридаги маданият ваколатхонасининг нашри. – Тошкент, 2002. – Б. 40.

Ислом фалсафасида комил инсон ғояси Тасаввуфда берилган бўлиб, унга кўра, “(Эй, Худонинг талабида юрганлар, ўзингиз худосиз. У сиздан ташқарида эмас, балки сиз билан биргадир – сиздир. Йўқотмаган нарсангизни нега излаб юрасиз, агар йўқолган бўлса, йўқ нарсани нега излайсиз? Исмлар ҳам, калому китоблар ҳам, Сўз ва Маъни ҳам сизсиз, Жаброилу Пайғамбарлар ҳам ўзингизсиз).

Зоту сифот, аршу курси, лавҳу қалам – ҳаммаси Инсондадир. Шунинг учун Худо излаб ҳар қаёқларга боришнинг ҳожати йўқ, жумладан, Маккатуллоҳга боришнинг ҳам. Чунки ҳар бир инсон Худони ўзидан изласин. Унинг қудрати ва шавкати ўзида кўрсин. Мазкур ақида “Кимки ўзини таниса, Раббисини танийди”, деган ҳадис мазмунидан келиб чиқади”⁹.

Демак, инсоннинг тафаккури гўзаллиги, маънавий, руҳий гўзаллиги ислом эстетикасининг асосини ташкил этади. Тасаввуф таълимотида бутун дунё Аллоҳнинг ижоди, сифатларини намойиш этилиши оламдаги барча гўзалликлар, ранглар Унинг ижодидир, кароматидир, бутун борлиқ, дунё Аллоҳнинг кўзгусидир, деб қаралди.

Аллоҳнинг исми ва сифатлари, буюклиги, улуғлиги, қудратлилиги, гўзаллигини рамзий тимсоллар орқалигина тасвирлаш мумкин. Ибн ал-Арабий Қуръони каримда Худонинг 99 та исми мавжудлиги ва инсон уларни сифатланиши орқали англаши мумкинлиги ҳақидаги фикрни асослайди. Бу ғоя исломнинг буюк мутафаккири Абу Ҳомид Ғазолийнинг қарашларида ривожлантирилиб, шундай изоҳланади. “Аллоҳ ҳамма учун сеvimлидир, чунки Унда инсон тасавуридаги барча эзгуликлар, инсонни ўзига тортувчи, муҳаббатига сабаб бўлувчи жамики сифат ва ҳислатлар мавжуд. Жумладан, инсон ўзига яхшилик қила оладиган саховатли одамларни, адолатли шоҳларни, шунингдек, барча гўзал нарсалар, нафосат олами, хушбўй, хушсурат нарсалар ҳам сеvimли бўлиб, саҳийлар сиймосида саховатни, одиллар сиймосида адолатни, қаҳрамонлар сиймосида қаҳрамонликни севамиз”¹⁰. Барча эзгу ва яхши сифатлар эгаси Аллоҳни севиш, унга интилиш орқали инсон комилликка интилади. Юқоридаги диний-илоҳий кадриятлар тизими тарзида намоён бўлади.

Ислом санъати фалсафаси нафақат тарихий, балки замонавий дунёмизни тушуниш учун муҳим калит бўлиб хизмат қилади. Бу санъат тавҳид, чексизлик, математик мукамаллик ва илоҳий тартиб ғояларини нақшлар, хаттотлик ва меъморчилик орқали ифодалайди. Ислом санъатини ўрганиш нафақат эстетик завқ, балки чуқур маънавий англаш йўлидир.

Дин ва санъатнинг узоқ давом этган ва ўзаро муносабатлари жараёнида ҳар бир динда ўша диннинг ўзига хослигини, мазмун-моҳиятини ифодаладиган санъат тизими шакллланган. У ёки бу динлар ўзлари учун ўша диннинг моҳияти, мазмунини акс эттирадиган у ёки бу санъат тизимини шакллантирган. Ислом маданиятидаги ўзига хос тасвирий санъат тури – бу реалистик санъат тури эмас, яъни мажозий санъат (нафис тасвирий санъат, нақш, ёзув санъати, китоб санъати, деворий расмлар санъати, меъморчилик санъати) дин билан интеграциялашган

⁹ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 2009. – Б. 41.

¹⁰ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 51.

ва бу билан боғлиқ санъат кейинчалик мусулмон санъати сифатида дунёга машхур бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. “Тошкент ислом университети”, 2007, 50 б.
2. Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. “Тошкент ислом университети”, 2007, - Б. 457. www.ziyouz.com
3. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш) Илм китоби Биринчи китоб. Тошкент, Мовароуннаҳр, 2003. 27 б.
4. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин (Дин илмларини жонлантириш) Илм китоби Биринчи китоб. Тошкент, Мовароуннаҳр, 2003. 33 б.
5. Ислом энциклопедия, Зухриддин Ҳуснидинов таҳрири остида.”Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, - Тошкент: 2004, -Б.79.
6. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларини жонлантириш) Биринчи китоб. Тошкент, “Мовароуннаҳр”. 2003. - Б. - 86.
7. Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий. Ихёу улумид-дин. (Дин илмларини жонлантириш) Биринчи китоб. Тошкент, “Мовароуннаҳр”. 2003. - Б. - 21.
8. Маҳмудов Т. Миниатюра фалсафаси // Сино. Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Элчихонаси ҳузуридаги маданият ваколатхонасининг нащри. – Тошкент, 2002. – Б. 40.
9. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 2009. – Б. 41.
10. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 51.